



тарқатиш ман этилган, сумалак тўла дошқозонлар ағдариб ташланган. Халқимиздан бу мўстабар байрамни тортиб олоқчи, Наврўз билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятларга мос таомилларни миллатимиз ёдидан ўчирмоқчи бўлишди. Истиқлол насимлари эса, Наврўз атрофидаги мафкуравий тақиқларни буткул тарқатиб юборди. Умуммиллий байрамимизни нишонлашга қарши қаратилган барча гов ва тўсиқлар барҳам топди. Ўзбекистон мустақиллиги арафасида Юртбошимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизга Наврўз қайтди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан 1990 йил 3 майда имзоланган "Наврўз" халқ байрамини ўтказиш яқунлари тўғрисида"ги фармонга тўхталиш мақсад

Бундан йигирма беш йил илгари имзоланган мазкур ҳужжатда яна бир аҳамиятли жиҳат, яъни "Наврўзнинг байрам қилиниши чинакам умумхалқ сайлига айлангани" алоҳида таъкидланиши эътиборга лойиқдир. Бинобарин, Наврўз сайли — халқ майли, дейдилар. Наврўз юртимизда азалдан халқ хоҳиш-иродасига кўра, оммавий сайил сифатида нишонлаб келинган.

Шубу улғу айём муносабати билан ҳар гал сайхон гўшаларда халқ сайилга чиққан. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мўтойиба, кўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган.

Наврўз таомлари орасида сумалак алоҳида ўрин тутди. Сумалак сайли — Наврўзнинг ана шу шохона таомини тайёрлашга бағишланган маросимдир. Бунда сума-

Юртимизга энг қадимий ва ардоқли байрамимиз — Наврўз кириб келди. Ҳар ёнда кўклам сурури кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Наврўз — аждоғларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёмидир.

Президентимиз Ислам Каримов Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, ана шу дилбар фасада инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтож бўлганларга беминнат ёрдам бериш, табарруқ кексаларимизнинг гуосини олиш каби ноёб фазилаатлар албатта одамнинг кўнглини юмшатади, гоим яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди.

Наврўз — барчамизга қадрли ва азиз айём

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 февралда қабул қилинган "2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида бу азалий кутлуг айём муносиб даражада ўтказилмоқда. Зотан, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб яшашнинг ёрқин тимсоли бўлмиш ушбу миллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири бекиёсдир.

Асрлар бўйи халқимиз орзиқиб кутадиган ушбу гўзаллик ва нафосат айёмининг собиқ шўро даври билан боғлиқ аччиқ ўтмишига ёши улғу юртдошларимизнинг аксарияти гувоҳ бўлган. Яъни ўшанда Наврўз тақиқланиб, сумалак

га мувофиқдир. Фармоннинг тарихий аҳамияти шундаки, аввало, ушбу ҳужжатда Наврўзнинг тиклангани ва бу хушбахарни юртимизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринки руҳда кутиб олгани эътироф этилади.

Энг муҳими, Президентимизнинг ушбу фармонига мувофиқ, Ўзбекистон аҳолисининг хоҳиш-иродасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқнинг чинакам тарқийёти ва гуллаб-яшнашини таъминлаш, юртдошларимизнинг маънавий имкониятларини бойитиш зарурлигига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 21 март — Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш куни, деб эълон қилинди.

лак қозони атрофида гурунлар қизиган, қўни-қўшни, маҳалла-қўй ҳикоя, эртақ ва латиқалар айтиб, ўйин-қулги қилишган.

Яна бир сайил — экин сайли. Наврўз дала ишлари мавсумининг бошланишига бағишланган байрам бўлгани учун, байрам қўнлари далага кўш чиқариш ва ерга уруғ қадаш маросими ўтказилган. Шу қўнлари яхши ният билан ерга уруғ қадалган, гул-кўчатлар экилиб, ободончилик ишлари кенг авж олган.

Наврўз юртимизда наинки қайта қарор топди, айни чоғда изчил ривожланди, такомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиб бормоқда ва эзгулик билан йўғрилган янги қирралари янада сайлаб топмоқда. (Давоми иккинчи бетда)

Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ҳамиша эъзозда

Йиллар ўтаверади, даврлар алмашаверади, аммо озоодлик ва инсонпарварлик ғоялари, қаҳрамонларни хотирлаш ва ёнимиздаги инсонларни эъзозлашни ўзида мужжасам этган маънавий қадриятларимиз мангу яшайверади. Хотира ва қадрлаш куни мустақил Ўзбекистон халқи ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга муҳим санадир.

Тарихий хотирасиз — келажак йўқ. Ўз тарихини билмайдиган халқнинг истиқболи ҳам бўлмайди. Шунинг учун фахрийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш халқимизга хос азалий юксак фазилаатлардандир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда яшаган 6,5 миллиондан яқин аҳолининг 1,5 миллиондан зиёди фронтга кетган. Уша даҳшатли урушда 500 мингга яқин юртдошимиз ҳалок бўлган, минглаб норғул йигитлар

бедарак йўқолган. Кўпчилиги эса майиб-мажрўх бўлиб қайтган. Бу рақамлар халқимизнинг фашизм устидан қозонилган Ғалабага қандай катта ҳисса қўшганидан далолат беради.

Шу боис, истиқлол йилларида мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ўз жонини қурбон қилган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштиришга доир кенг кўламли чоратadbирлар амалга оширилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мамлакатимизда тарихан қисқа даврда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотлар негизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг пухта ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужжасам.

Islohot va samara

Уй қамоғи эҳтиёт чораси

инсонпарварликнинг амалдаги яна бир ифодаси

Бу ҳақда сўз борганда, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, процессуал мажбурлов чоралари тизимига янги, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилгани тўғрисида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу йўналишда, шунингдек, уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш тартибини белгилаш бўйича Бож прокуратура,

Миллий хавфсизлик хизмати, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма кўрсатмаси ҳам қабул қилинди.

Айтиш керакки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 242¹-моддасига кўра, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиги ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа

олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлла-нилади.

Уй қамоғи — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратилган ҳолда, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шу билан бирга унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидир.

(Давоми учинчи бетда)

Гўзал ва мафтункор мамлакат

ЎзА мухбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун юртимизга келган хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлар вакиллари билан суҳбатлашди.

Янг БО,
халқро кузатувчи (Хитой):

— Ўзбекистонда демократиянинг қадимий институти — маҳалла жуда пухта шакланган. Маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги роли тобора ошиб бораётгани, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонда демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини кафолатлайдиган миллий

сайлов тизими яратилган. Тошкентдаги кўплаб сайлов участкаларида бўлиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-академик лицейда очилган сайлов участкасидаги тайёргарлик ишлари билан танишдик. Шунинг айтиш жоизки, участкаларда сайловни самарали ўтказиш, фуқароларнинг эркин овоз бериши учун барча шароит яратилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Қонун лойиҳалари — депутатлар муҳокамасида

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси кўмиталарида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, аҳоли соғлиғи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа соҳаларга оид қатор қонун лойиҳалари юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтмоқда. Қонун ижодкорини ва қонунчилик фаолиятининг сифатини ошириш мақсадида қонун лойиҳалари муҳокамасига олимлар, мутахассислар, экспертлар жалб қилинмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси Тошкент давлат юридик университети олимлари билан ҳамкорликда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни чеклаш тўғрисидаги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши самараларини ҳақида сўз борди. Қонун фуқароларни бу маҳсулотларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишда, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида қайд этилди.

Аввало, 2011 йилда қабул қилинган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши самараларини ҳақида сўз борди. Қонун фуқароларни бу маҳсулотларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишда, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида қайд этилди.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Битимдаги мажбуриятлар

унга тўлиқ риоя этиш тарафлар манфаатига хизмат қилади

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама катта эътибор қаратилмоқда. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратилаётгани ҳам шундай эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Айтиш керакки, кредит муносабатларини амалга оширишнинг асосий ҳуқуқий шакли кредит шартномаси ҳисобланади.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 744-моддасига бундан, кредит шартномаси бўйича бир тараф, яъни банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредит берувчи, кредитор) иккинчи тарафга (кредит олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса, олинган пул сум-

масини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Кредит деганда, ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шarti билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатлар тушунилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Гўзал ва мафтункор мамлакат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Майкл БРОДИ,

Америка университетининг Атроф-муҳит фанлари факультети адъюнкт-профессори (АҚШ):

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этаётганимдан мамнунман. Мамлакатингизда фуқароларнинг сайловда қатнашиши учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий асос яратилган.

Мамлакатингизнинг экология соҳаси мутахассислари билан мулоқотда бўлиб, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлдим. Таълим,

атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган эътибор диққатга сазовор.

Ўзбекистон — гўзал ва мафтункор мамлакат. Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларни томоша қилиб, қадимий ва бой маданиятингиз, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, Ўзбекистонга мафтун бўлиб қолдим. Халқингиз неча асрлик обидаларни кўз қорчагидек асраб-авайлаб келаётгани гоё

кувонарли ва ўрганишга арзуйди.

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида ёшлар симфоник оркестри ва истеъдодли ёш опера ижрочилари иштирокидаги "Баҳор симфонияси" концерти бизга жуда манзур бўлди. Миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланаётган бу ёшлар ривожланган мамлакатлардаги тенгдошларидан сира қолишмайди.

Нобуко ФУРМАН, "Европа-Берлин" дўстлик жамияти аъзоси (Германия):

— Ўзбекистон юксак тараққиёт сари дадил одимламоқда. Мамлакатингизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

2015 йил Ўзбекистонда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилингани эшитиб, жуда тўқинландим. Шу биргина омил мисолида мамлакатингизда барча ислохотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилиши яққол намойён бўлмоқда. Жорий йилнинг шундай номланиши, бу борада махсус Давлат дастури қабул

қилингани Ўзбекистонда кексаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилаётганидан, уларнинг ҳаёти, эҳтиёжлари, саломатлиги давлатингизнинг доимий эътиборида эканидан далолат беради.

Президент сайлови ҳар бир мамлакат ҳаётидаги жуда муҳим воқеадир. Мамлакатингизда ўтадиган ана шундай зарур сиёсий жараёни халқаро кузатувчи сифатида бевосита кузатиш ва унинг натижаларини холис баҳолаш мен учун катта шараф ва улкан масъулиятдир.

Салех ал-СААДИ,

"Бин Салем" холдинг компаниясининг ташқи савдо-иқтисодий сектори раҳбари (БАА):

— Ўзбекистон иқтисодиёти жуда тез ва изчил тараққий этмоқда. Босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида иқтисодиётнинг барча тармақларида барқарор ўсиш суръатларига эришилмоқда. Бу аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратилганини ҳар

жабҳада кўриш мумкин.

Ўзбекистон муқобил энергетика соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга. Мамлакатингиз иклими кўёш энергиясидан фойдаланишда жуда қўл келади. Шу боис ўзбекистонлик мутахассислар билан кўёш энергиясидан самарали фойдаланиш, энергия тежайдиган замонавий технологиялар жорий этиш бў-

йича фаол ҳамкорлик қилиш ниятидамыз. Айни пайтда Хоразмда кўёш электр станциясини барпо этиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқдамыз.

Сайлов ҳар бир мамлакат ҳаётидаги сиёсий воқеа. Шундай муҳим воқеликда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этишни ўзим учун катта шараф, деб биламан.

Жай Дев АГАРВАЛ,

Ҳиндистон молия институти бошқарувчилар кенгаши раиси:

— Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан яхши танишман. Унда сайловга оид барча масалалар аниқ ва тўлиқ баён этилган. Мамлакатингизда ўтадиган сайловларни кузатиш учун хориждан юзлаб мутахассислар тақлиф этилди. Бу юртингизда эркин сайлов тизими яратилганидан далолат бериши билан бирга сайлов жараёнларининг очиқ ва ошқора ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни кузатган инсон юртингиз

Марит ФОСС,

"Diva International" журнали ношири ва бош муҳаррири (Швейцария):

— Ўзбекистон гоёт муҳим сиёсий воқеа арасида турибди. Мамлакат Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари, тарғибот-ташвиқот ишлари билан яқиндан танишиб чиқдим. Барча номзодларнинг сайловолди дастурлари ўзига хос ва долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда қарор тогган тинчлик, барқарор

ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муҳит дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланади. Халқингизга хос бағрикенглик, шаҳару қишлоқларингиздаги осойишта ҳаёт киши кўнглига ҳаловат бағишлайди. Мамлакатингизда турли миллат ва элат вакилларининг ҳамжиҳатлиқда, тинч ва ошуда ҳаёт кечираётганига ҳавас қилса арзийди.

Тошкентда ўтказилган бир қанча маданий тадбирларда иштирок этганман: Ўзбек куй-қўшиқлари ва миллий рақслари, миллий мато ва хунармандлик буюмларига меҳрим баланд. Ўзбекистон ҳақида янада кўп маълумотга эга бўлишни хоҳлайман. Мамлакатингизнинг бой тарихи ва ноёб маданиятини жуда қадрлайман.

Майкл ТОМАС,

"Pathfinder Trade and Invest" компанияси ижрочи директори (Буюк Британия):

— Ўзбекистонда Конституция билан кафолатланган сайлов тизими амал қилмоқда. Сайловга оид қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани бу тизимни янада тақомиллаштирди. 2014 йилги парламент сайлови демократик принциплар, умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказилгани бунинг эркин далилидир.

Аҳмад Нуби МУСО,

Миллий кутубхона директори (Миср):

— Самарқандда ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида иштирок этаётганим. Улуғвор шаҳарнинг юраги бўлиши Регистон майдонидаги муҳташам саҳнада намойиш этилган ўзбек мумтоз тароналарини мароқ билан тинглаганим. Бу нафосат байрами минглаб санъат муҳлислари қатори менинг хотирамда ҳам ўчмас из

қолдирган. Навбатдаги "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига ҳам бир гуруҳ санъаткорлар билан қатнашишни режалаштирмоқдамиз.

Шундай бой маънавиятга эга халқнинг сиёсий маданияти ҳам юқори бўлиши табиий. Бинобарин, тарихи бой мамлакатнинг келажаги албатта буюк бўлади. Ўзбекистон Республика-

си Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурини аҳоли катта қизиқиш билан куздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни назарда тутиши мумкин.

Кредит шартномаси бўйича кредитор қарз олувчидан кредит шартномасининг муддати туғаси билан пулни талаб

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу галги байрам диёримизнинг барча гўшаларида ҳар галгидан ҳам фусункор ва кенг миқёсда ўтмоқда.

Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда умумхалқ ҳашари ташкил этиш хайрли анъанага айланган. Ушбу ҳашардан тушган маблағлар меҳр-мурувват тадбирларини бажаришга, хусусан, кўмакка муҳтож оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади. Хусусан, мамлакатимизда жорий йилнинг 14-15 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 18 миллиондан зиёд юрдошимиз иштирок этди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди маълумотларига қараганда, ҳашар кунлари қирқ уч минг гектардан ортиқ майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Йигирма олти минг километр узунликдаги ариқ-зовур ва лотоклар тозаланиб, тўққиз мингдан ортиқ зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилган. Ҳар олти мингга яқин махсус техника воситаси ёрдамида қарийб олти минг тонна маиший ва куриллиш чиқиндисини белгиланган жойларга чиқариб ташланган.

Ҳашар йўли билан бир юз эллиқдан ортиқ объектда амалга оширилаётган реконструкция ишлари якунига етказилиб, янги маҳалла идоралари, гузарлар, савдо дўконлари, гўзаллик салонлари, оталар чойхоналари, дорихона, тўйхоналар, болалар майдончалари, ишлаб чиқариш цехлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилган.

Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, **Наврўзи оламнинг яна бир бетакор хислати борки, у ҳар қайси уй, ҳар қайси юртда, бунун ери зотида тинчлик ва осойишталик бўлишига даъват этади.**

Etirof

Наврўз – барчамизга қадрли ва азииз айём



Ҳақиқатан ҳам, Наврўз замирида одамларнинг тинчликка ва яхши кўшничликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари мужассам экани мустақиллик йилларида юртимизда бу улғу айёмнинг тикланиши учун қудратли омил бўлди.

Тинч-осойишта юртда хурсандчилик, тўй-томоша кўпаяверади, ҳаловатли элга байрам сайиллар ярашади. Озод диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг бугунги кунда ягона ва ахил оила аъзоларидек иноқ ҳамда ҳамжихат эканликлари қалбларни фаҳрага тўлдиради. Бу ҳақда йўлаганда, кўз ўнгимизда Наврўзнинг асл моҳияти яна бир бор намойён бўлади.

Бугун Наврўз руҳи, Наврўз мўъжизаси, Наврўз саховатидан ҳар биримиз баҳраманд ва ошуфтамыз. Қалбларимиз ана шу ёруғ кунларга, гўзал ва фу-

сункор ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз учун шукроналик туйғуларига тўлиб-тошади.

Наврўз — баҳор ва уйғонши, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир. Табиат яшарар ва яшнар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Наврўз одамзот биланга куч, юрагига янги интилиш, ҳаётга янги умид ва орзулар бахш этади. Деҳқон дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда уруғ қадагани далага чиқади. Момолар офтобруйда ўтириб, кўклам гиёҳларини тавоф этадилар, лапару ўланлар айтадилар.

Дошқозонларда сумалак ва ҳалим қайнади. Жарчилар халқни сайилга чорлайди. Элнинг катта-кичиги яхшиликка интилади, айниқса, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож бўлиб яшаётган одамларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишга шошилади, гина-аламлар унутилади.

Одам боласи борки, бундай

шуқуҳли дамларда табиатдан баҳра олишни, қалбдаги энг эзгу туйғу ва тилақларини, орзу ва умидларини юзага чиқаришни истайди, ҳаётга, ота-онаси, яқинлари, дўсту бородарларига бўлган меҳру муҳаббатини очик-ошқора изхор этгиси келади.

Мухтасар айтганда, Истиқлолнинг яна бир гулгун баҳориди — табиат кун оша гулларга бурканайтган, орзуларимиз ушалиб, хурриятимиз офтоби кундан-кун чарақлаб, бизга илҳом ва шижоат бағишлаб турган шу файзли дамларда юртимиз айниқса, ўзгача жозоба касб этган. Хамюртларимиз Наврўзни ота-боболаримиз каби ғавжум сайилгоҳларда, маҳалларнинг обод гузарларида, диёримизнинг барча гўшаларида ҳар галгидан ҳам фусункор ва кенг миқёсда нишонлаётган.

Фулом МИРЗО,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Электрон декларация: қулай ва самарали

Мамлакатимизда тадбиркорлик

субъектларнинг 98 фоизи солиқ ва статистика

ҳисоботларини топшириши, божхона

декларацияларини расмийлаштиришни бевосита

электрон шаклда амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг www.customs.uz веб-сайти орқали кўплаб интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани, барча турдаги божхона декларациялари ва унга тегишли бошқа ҳужжатларнинг электрон шакли ҳамда уларни тўлдириш тартиблари жойлаштирилгани, электрон декларацияларнинг автоматлаштирилган ахборот тизими яратилгани шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Тошкентда "Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштиришнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги аҳамияти ва эришилаётган натижалар"

мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда божхона органларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кенг қулайликлар яратилгани таъкидланди. Кейинги йилларда божхона соҳасининг турли йўналишлари бўйича ахборотларни вақтида йиғиш, назорат ва таҳлил қилиш, қайта иш-лашга мўлжалланган ахборот дастурлари жорий қи-

линди. Уларнинг барчаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига бирлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги "Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги қарори асо-

да 2013 йил 1 январдан бошлаб товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби жорий қилинди. Мазкур қарор ижросидан келиб чиқиб, "Электрон декларациялаш" ахборот тизими амалиётга киритилган бўлиб, у орқали тадбиркорлар томонидан декларациялар, товар ва транспорт воситаларига оид ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни божхона органларига масофадан туриб тақдим этиш ва расмийлаштириш йўлга қўйилди. Интернет орқали электрон рақамли имзодан

фойдаланган ҳолда божхона декларацияларини тақдим этиш имконияти яратилиб, 2014 йилда экспорт-импорт операциялари юзасидан расмийлаштирилган божхона юк декларацияларининг 402 миңдан ортиги электрон тақдим этилди.

Тадбиркорлик субъектларининг божхона масканларига умуман келмасдан, фақат интернет орқали божхона расмийлаштирувчи тўлиқ электрон тарзда амалга ошириши улар билан ишлашда инсон аралашуви омиллини ва унинг салбий оқибатларини камайтиришга имкон яратмоқда.

Товарларни электрон расмийлаштириш натижасида тадбиркорларнинг маблағи ва вақти тежалмоқда. Масалан, 2013 йилда тадбиркорлар томонидан 1,2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ божхона юк

декларацияларининг қоғоз бланкалари учун сарфланган бўлса, 2014 йилда электрон декларациялаш натижасида бу йўналишдаги харажатларга барҳам берилди.

Яна бир муҳим янгилик — тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи савдо шартномаларини банкларда рўйхатдан ўтказиш амалиёти бекор қилинди. 2014 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб шартномаларни Ягона интерактив хизматлар давлат порталида электрон тарзда рўйхатдан ўтказиш хизматининг жорий этилиши хўжалик юритувчи субъектларга қоғозбозликнинг олдини олишдек муҳим имкониятни яратди. Биргина ўтган йилда 21,5 миңдан ортиқ шартнома ва қўшимча битимлар электрон шаклда рўйхатдан ўтказилиб, бу жами шартнома ва қўшимча битимларнинг 40 фоизини ташкил этди.

Тадбирда иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Н.АБДУРАИМОВА

Fuqarolik qonunchiligi

Битимдаги

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу муносабатлар кредит шартномаси билан тартибга солинади. Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Ёзма шаклга риоя қилмасдан тузиладиган кредит шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Кредит шартномаси тузиладиган пайтда томонлар ўз манфаатларини кафолатлаш мақсадида гаров, қафиллик, қардорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни назарда тутиши мумкин.

Кредит шартномаси бўйича кредитор қарз олувчидан кредит шартномасининг муддати туғаси билан пулни талаб

қилиш, тижорат кредити бўйича пул тўланган бўлса, кредиторга кредит нарса, яъни кредит шартномасининг предмети берилишини, ашёлар кредитга берилган бўлса, кредит суммаси ўз вақтида тўланишини назорат қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Агар кредит шартномаси муддати ичида пул охиригача тўланмаса, кредитор қарз олувчининг устидан судга мурожаат қилиши мумкин.

Кредит шартномасига кўра, қарз олувчи белгиланган муддат ичида кредит суммасини тўлай олмаса, кредитга берилган нарса суднинг қарорига асосан сотилади ва кредит ташкилоти ҳисобига тўланади. Кредитор қарз олувчини тўловга лаёқатсиз деб ҳисобласа, яъни қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятини

бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек, шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Айни вақтда қарз олувчи ҳам кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақлидир. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, қарз олувчи бу ҳақда кредиторни кредит шартномасида белгиланган қўйилган кредит бериш муддатига қадар хабардор қилиши шарт.

Қарз олувчи кредит шарт-

номасида назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда, Фуқаролик кодексининг 746-моддасига кўра, кредитор шартнома бўйича қарз олувчини бундан буён кредитлашни тўхтатишга ҳақли ҳисобланади.

Кредит шартномаси тузилган пайтдан бошлаб тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келади.

Судлар томонидан қўриб чиқилган кредит шартномаси билан боғлиқ низолар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, ушбу муносабат субъектларининг шартномада белгиланган мажбуриятларни бир томонлама бажармаслик ҳоллари кўп учраб туради.

(Давоми. Бошланги биринчи бетда)

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, тиббий муассаса ҳам уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгилашни мумкин.

Уй қамоғи эҳтиёт чорасини танлашга гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг аҳолини енгиллаштирувчи ҳолатларнинг ҳар бири ёки уларнинг мажмуи асос бўлади.

Жиноят-процессуал кодексининг 242¹-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қуйидаги тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин:

- 1) муайян шахслар билан алоқада бўлиш;
- 2) хат-хабар олиш ва жўнатиш;
- 3) ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш;
- 4) уй-жойни тарқ этиш.

Ўзига нисбатан уй қамоғи қўлланилган шахс барча тақиқларга (чекловларга) ёхуд улардан айримларига дучор этилиши мумкин. Қонунда белгиланган тақиқлар (чекловлар) қатъий бўлиб, улардан ташқари қўшимча тақиқларни (чекловларни) қўллашга йўл қўйилмайди.

Муайян шахслар билан алоқада бўлишга тақиқ ўрнатиш — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик мақсадида, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, шу ишнинг бошқа иштирокчилари ёки шу каби бошқа шахслар билан бевосита ва билвосита учрашиш ва гаплашишга ёхуд ёзишмалар амалга оширишга тақиқ қўйилишидир.

Хат-хабар олиш ва жўнатишга тақиқ ўрнатиш — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳар қандай хат-хабарни, яъни почта-телеграф, факс орқали жўнатмалар, ўзаро хат-ёзишмалар, шунингдек, E-mail, SMS, MMS ва бошқа электрон шаклдаги хабарларни қабул қилиши ёки жўнатиши чекланишида қўрилган;

Ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб боришга тақиқ ўрнатиш — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига алоқа воситалари орқали сўзлашувлари, почта-телеграф, факс жўнатмаларини, шунингдек, E-mail, SMS, MMS ва шу каби бошқа электрон шаклдаги ёзишмаларни амалга оширишни тўқитиш, демакдир.

Уй-жойни тарқ этишга тақиқ ўрнатиш — шахсининг уй қамоғи эҳтиёт чорасини ўташ жойидан чиқишга суд ажримини билан тўлиқ ёки қисман тақиқ қўйилади. Бу борада қисман тақиқ ўрнатишда, уй қамоғи қўлланилган шахсга ўқиш ёки иш жойига боришга ёхуд қундалиқ турмуш масалаларини ҳал этиш учун куннинг маълум пайтида уй қамоғи қўлланилган жойдан ташқарига чиқишга рухсат берилади.

Ушбу тақиқлар (чекловлар)ни ўрнатишда бир қатор муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Аввало, муайян шахслар билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш ва жўнатиш, ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш каби тақиқ ва чекловлар доирасига уй қамоғи қўлланилган турар жойда гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга яшаб турган шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, уй қамоғи қўлланилган жойда эҳтиёт чораси қўлланилган шахс билан истиқомат қилувчи шахслар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан ўрнатиладиган тақиқларнинг бузилишига олиб келадиган ҳаракатларни содир этиши мумкин эмаслиги тўғрисида уй қамоғи қўлланилишидан олдин оголантирилиб, бу ҳақда уларнинг ёзма розилиги олинади.

Хат-хабар олиш ва жўнатишга нисбатан ўрнатиладиган тақиқ доирасига уй қамоғи қўлланилган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан пенсия ва ижтимоий тўловлар, суғурта бадаллари ва шу каби бошқа тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ, шу-

нингдек, соғлиқни сақлаш, суриштирув ва тергов органлари, судлар, суд ижрочилари билан боғлиқ хат-хабарлар киритилмайди.

Шу билан бирга, уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган шахсининг ҳимоячиси ва қонуний вакили билан учрашувларига тақиқлар ўрнатишмайди.

Судлар томонидан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални иш юритувчига қабул қилишда ва кўриб чиқишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- тергов идораси томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришдан олдин эҳтиёт чорасини ўташ назарда тутилаётган турар жой юзасидан тўлиқ маълумот тўпланганлиги;

Islohot va samara

Уй қамоғи эҳтиёт чораси инсонпарварликнинг амалдаги яна бир ифодаси

- гумон қилинувчи ёки айбланувчининг турар жойда яшашига бўлган қонуний ҳуқуқлари текширилганлиги;

- ушбу турар жойдан келгусида уй қамоғи эҳтиёт чорасини ўташ жойи сифатида фойдаланишга турар жой мулкдори ва унда истиқомат қилаётган шахсларнинг ёзма розилиги олинганлиги;

- уй қамоғи эҳтиёт чорасини тиббий муассаса ёки махсус уйларда қўллаш назарда тутилганда тиббий муассаса вакилининг ёки уй-жой ихтиёрида бўлган ваколатли шахсининг бунга ёзма розилиги олинганлиги ва сақлаш шароитлари ўрганилганлиги;

- агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилинганлиги;

- уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорнинг белгиланган талабларига тўлиқ мувофиқ келиши.

Суд томонидан эҳтиёт чораси сифатида уй қамоғини қўллаш ҳақидаги ажримда шахсга нисбатан қўлланилаётган чекловларнинг тури ва доираси аниқ кўрсатилиши шарт. Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига ўқиш ва иш жойига бориб келиш ва бошқа шу каби ҳолатларда турар жойдан ташқарига чиқишга рухсат берилганда ҳам уларнинг вақти аниқ кўрсатилиши лозим.

Уй қамоғи қўлланилган шахсга иш ва ўқиш вақтида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойидан ташқарига бўлишга рухсат берилганда, ички ишлар органлари зиммасига иш ва ўқиш жойи маъмурияти билан ҳамкорликда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг меҳнат қилиш ва таълим олиш қоидаларига риоя этишини таъминлаш мақсадида унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш юклатилиши мумкин.

Суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномада назарда тутилган тақиқлар тури ва доирасини қисқартириши мумкин. Аммо суд илтимосномада кўрсатилган тақиқлар турлари ва доирасини белгилашга, шунингдек, илтимосномада қўлланилиши сўралмаган тақиқни бошқа турига ва доирасига ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Гумон қилинувчининг дастлабки қамоқда ушланган ҳамда айбланувчининг уй қамоғида сақланган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида белгиланган тартибда кейинчалик суд томонидан тайинланган жазо муддатига киритилади.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримида қуйидагилар, яъни:

- шахс қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлиги;

- уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллашда танланган тақиқларнинг тури ва доираси, уларни танлаш асослари;

- уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш назарда тутилаётган турар жой фуқароларнинг вақтинча ёки доимий яшашлари учун мўлжалланганлиги ҳамда белгиланган санитария, ённингга қарши, техник талабларга жавоб беришига доир маълумотлар;

- турар жой (тиббий муассаса, махсус уйлар) манзили, мулкдори ва ушбу уйда истиқомат қилаётган шахслар ҳақидаги маълумотлар;

- турар жойда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яшаши учун қонуний асослар мавжудлигини тасдиқловчи

маълумотлар;

- турар жой мулкдорининг (тиббий муассаса ёки махсус уйлар вакилининг) ва унда яшаётган шахсларнинг турар жойдан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ учун фойдаланишга розилик берилганлиги ҳақидаги маълумотлар;

- уй қамоғи эҳтиёт чораси муддатининг бошланиши ва тугаш санаси;

- уй қамоғи эҳтиёт чораси ижросини назорат қилувчи ва таъминловчи орган номи каби маълумотлар қайд этилиши шарт.

Шу билан бирга, бу борадаги суд ажримида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига муайян шахслар билан алоқада бўлишга тақиқ ўрнатишда, ушбу шахслар ҳақидаги маълумотлар, уй қамоғи қўлланилган шахсга техник кузатув воситалари қўлланилиши лозим деб топиладиган, техник кузатув воситаси тури қайд этилиши ўринлидир.

Қолаверса, уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланган соғлиқни сақлаш муассасаларида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг стационар тартибда доволанишга муҳтожлиги ҳақидаги эксперт хулосаси ҳамда доволаниш тамомланганидан кейин эҳтиёт чорасини ижро этиш давом эттириладиган турар жойнинг манзили ҳам суд ажримида кўрсатилиши мумкин.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажрим ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга қиради ва дарҳол ижро қилинади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан уй қамоғи тарзидаги процессуал мажбурият чораси қўлланилганда, тергов органи бу ҳақда унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек, бу ҳақда унинг иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши, уй қамоғига жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига йиғирма тўрт соат ичида хабар бериши шарт.

Ишни судга қадар юритиш босқичида қўлланилган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси шахсини бундан кейин уй қамоғида бўлиши учун асослар мавжуд бўлмаганда прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида ажрим чиқарган судни хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бунда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши айнан ўша шахсга нисбатан ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга такроран мурожаат этишга монелик қилмайди.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи

ёки судланувчи соғлиғи ҳолати юзасидан соғлиқни сақлаш муассасасига олиб келинган ва ётқизилган бўлса, ички ишлар идораси зудлик билан бу ҳақда жиноят иши иш юритишда бўлган тергов органи ёки судни хабардор қилади.

Уй қамоғидаги шахсининг доволаниш учун ётқизилгани ҳақида хабар келиб тушганда, ички ишлар идораси дарҳол соғлиқни сақлаш муассасасини бу шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани тўғрисида хабардор қилиб, процессуал ҳужжатлардан нусха тақдим қилади. Бироқ дастлабки тергов органи ёки суд эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини қонунда назарда тутилган тартибда ҳал этгунча қадар, эҳтиёт чораси бўйича ўрнатиладиган тақиқларнинг амал қилиши давом эттирилади.

Уй қамоғидаги шахс соғлиқни сақлаш муассасасига ётқизилганидан сўнг шахсини стационар тартибда доволанишга муҳтожлиги аниқлик киритиш мақсадида суд-тиббий экспертизаси тайинланиб, экспертиза натижасига кўра, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс доволанишга муҳтож эмас деб топиладиган ҳолларда, шахс уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўтаётган манзилга қайтарилади.

Суд-тиббий экспертизаси уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини турар жойда ўтаётган шахсининг стационар тартибда доволанишга муҳтожлиги ҳақида хулоса берса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташни соғлиқни сақлаш муассасасида давом эттириши тўғрисида прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан қарор чиқарилади. Бу эҳтиёт чораси суднинг иш юритишдаги иш бўйича қўлланилган ҳолларда эса, судья томонидан қўшимча ажрим чиқарилади.

Соғлиқни сақлаш муассасасига юборилган шахс доволаниб, унинг бундан кейин стационар тартибда доволанишга муҳтож эмаслиги ҳақида соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан маълумот тақдим этилган ҳолларда, терговчининг қарори ёки судьянинг қўшимча ажрими билан шахсга нисбатан қўлланилган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси ижроси турар жойда давом эттирилиши белгиланади.

Айтиш керакки, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс томонидан эҳтиёт чорасининг шартлари бузилганлиги ҳақида ички ишлар органларидан ёзма хабарнома олинганда, хабарноманинг асослиги ва шахс томонидан эҳтиёт чораси шартлари бузилганлиги тергов органи ёки суд томонидан текширилади.

Хабарноманинг асослигини текшириш натижасига кўра, тергов органи томонидан, биринчидан, эҳтиёт чораси ўзгартириш қолдирилиб, уй қамоғи қўлланилган шахсини топиш мақсадида унга нисбатан қидирув эълон қилиш, иккинчидан, уй қамоғи эҳтиёт чорасини бекор қилиб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш каби қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин.

Суднинг иш юритишдаги жиноят иши бўйича уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганда ҳам тақдим этилган ёзма хабарнома юқоридаги каби бўлиши мумкин.

Табийий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар юз берганида уй қамоғидаги шахс томонидан белгиланган тақиқ ва чекловларнинг бузилиши тегишли тартибда текширилганидан сўнг узрли деб топилиши мумкин.

Хулоса сифатида шунни таъкидлаш лозимки, процессуал мажбурият чоралари тизимига янги — уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлиб, у айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга қаратилгани билан гоётада аҳамиятлидир.

Олимжон ХАЙТОВ,
Талъатжон МЕЛИБОЕВ,
Олий суд судьялари

Qonun ijodkorligi

Қонун лойиҳалари — депутатлар муҳокамасида

(Давоми. Бошланги биринчи бетда)

Айни чоғда, 2014 йил мамлакатимизда “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тартибга солишга қаратилган амалдаги қонунлар таҳлили Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим нормаларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келганини кўрсатаётгани таъкидланди. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи берилди.

Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик, шунингдек, транспортда чекланлик учун жарима жазоси кўзда тутилган. Лекин амалиётда ушбу кодекснинг тегишли нормаларини қўллашда айрим мунозарали масалаларга дуч келинмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, иш жойида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилганлик учун ҳам жавобгарлик ўрнатиш кўзда тутилаётди. Қолаверса, мазкур ҳуқуқбузарлик учун “жамоат жойлари” тушунчасини янада аниқлаштириш, тамаки маҳсулотларини жамоат жойларида истеъмол қилганлик, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб этганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик ўрнатиш таклиф этилмоқда.

Тадбир иштирокчилари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган мазкур тузатишлар бу борадаги қонунчилик вазифаларига тўла мос келишини алоҳида эътироф этишди. Энг муҳими, бу тақлифлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Олимлар ва мутахассислар томонидан қонун лойиҳасида на-

зарда тутилган нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар ҳам баён этилди.

— Қонун лойиҳасининг назарий олимлар даврасида муҳокамалар ўтказилиши ишчи гуруҳ аъзолари учун кўп жиҳатдан фойдали бўлди, — дейди кўмита аъзоси, депутат Д.Арипов. — Аввало, биз маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, маъмурий жазоларнинг қўлланиши масалаларига оид илмий-назарий жиҳатлар ҳақида кенг маълумотлар олдик. Шунингдек, олимларнинг таклиф-мулоҳазаларини биргаликда муҳокама қилдик. Бу муҳокама, ўз навбатида, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда муҳим.

— Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси вакилларининг қонун лойиҳаларини университетимиз олимлари ва тадқиқотчилари билан бирга муҳокама қилиши қонун ижодкорлиги фаолиятига янги мазмун бағишлайди, — дейди юридик фанлар доктори, профессор Ж.Холмуьинов.

— Бинобарин, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилиш зарурлиги ҳақида алоҳида таъкидлагани беҳиж эмас. Чунки фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаларининг олимлар, мутахассислар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилинишидан ҳаммаимиз манфаатдормиз. Бундан ташқари бугунги муҳокама биз — олимларнинг илмий тадқиқотлари учун ҳам жуда фойдали бўлди.

Кизгин ва самарали баҳс-мунозаралар асосида ўтган тадбир якунида қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар умумлаштирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

Huquqiy ma'rifat

Давлат божи

фуқаролик ишларини кўришда қандай тартибда ундирилади?

Аввало шунини таъкидлаш лозимки, судларда ишларни кўришда нафақат судьялар, балки фуқаролар ҳам ўзларига юклатилган вазифани ўз вақтида бажариши адолатли қарор қабул қилишда муҳим ўрнни тутаяди. Бу борада фуқаролар зиммасига юклатилган мажбуриятлардан бири давлат божини тўлашдир.

Давлат божи фуқаролар ва юридик шахсларнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишдаги давлат ҳарақатлар учун ваколатли муассасалар ёки мансабдор шахслар томонидан ҳужжатларни берганлик учун олинган мажбурий тўлов ҳисобланади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексиде белгиланганидек, фуқаролик судларида ишларни кўришда биринчи инстанция судга берилган суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризалар, даъво аризалари, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахслар хат-хаттавлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорлари билан боғлиқ ишлар бўйича аризалар, апелляция, кассация шикоятлари, суд қарорлари устидан назорат тартибда протест келтириш тўғрисидаги аризалар ва суд ҳужжатларидан нусха олишда давлат божи ундирилади.

Айтиш керакки, давлат божи ариза — даъво аризаси, шикоят судга берилгунча қадар тўланади.

Давлат божи нақд пулуси шаклда тўланганлиги факти

банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқлангани шарт.

Фуқаролик-процессуал кодексиде судларда ишларни кўриш учун давлат божи ундириш ёки фуқароларни давлат божидан озод қилиш, давлат божини тўламаганлиги сабабли аризаларни кўрмасдан қайтариш, тўланган давлат божини қайтариб бериш, суд харажатларини тўлашдан озод қилиш, суд харажатларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, давлат божи миқдорини камайитириш белгилан қўйилган.

Бу ҳаракатларни амалга оширмастик, яъни давлат божини тўламаслик ушбу кодекснинг 154, 324 ва 348-моддаларида назарда тутилган тартибда аризаларни ҳаракатсиз қолдиришга асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, суд аризачининг ижтимоий ҳолати, оилавий шароити ва мулкий аҳолини эътиборга олган ҳолда Фуқаролик процессуал кодексининг 110 ва 111-моддасига асосан давлат божини тўлашдан озод қилиш, бўлиб-бўлиб тўлаши ёки уни тўлашни кечиктириши мумкин.

Умид НАЗИРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг судьяси

мажбуриятлар

унга тўлиқ риоя этиш тарафлар манфаатига хизмат қилади

Масалан, даъвогар — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси “Агробанк” очик акциядорлик жамияти худудий филиали манфаатини кўзлаб жавобгарлар — “Нукус капитал сервис” масъулияти чекланган жамияти ва бошқаларга нисбатан кредит шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш, кредит суммасидан қарздорлиқни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган. Суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб даъво ари-

засини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Чунки иш ҳолатларига қараганда, асосий даъвогар “Агробанк” очик акциядорлик жамиятининг худудий филиали ва “Нукус капитал сервис” масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган кредит шартномасига мувофиқ, қарздорга 16 миллион 280 минг сўм маблағ — йиллик фоизи билан 36 ой муддатга, ускуна ва қурилиш молларини сотиб олиш учун берилган. Ажратилган кредит маблағининг

қайтарилиши таъминоти сифатида Б.Саломатовга тегишли “Нексия” русумли автомашинаси гаровга қўйилган. Гаров мулкнинг баҳоси, тарафлар ўртасидаги ўзаро келишув далолатномасига асосан, жами 20 миллион 100 минг сўм деб белгиланган. Жавобгар томонидан шартнома шартлари бажарилмагани оқибатида 2014 йил 21 апрель ҳолатига кўра, кредит қолдиғи 19 миллион сўмни ташкил этган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисмида томонлардан бирининг талаби билан, фақат иккинчи томон шартномани жиддий равишда бузганда, шартнома суд томонидан бекор қилиниши қайд этилган. Мазкур кодекснинг 736-моддаси 2-қисмида белгиланганича, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш на-

Muloqot

Савол беринг,
жавоб берамиз

— Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда санитария қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланганми?

Д.ДАВЛЕТЯРОВ,
Қорақалғистон Республикаси,
Шуманай тумани

— Ҳа, бундай ҳаракат учун қонунда жавобгарлик белгиланган. Жумладан, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 53-моддасида санитария қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик қайд этилган. Унга кўра, санитария қонун ҳужжатлари-

ни, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

— Амалдаги қонунларимизда жиноят оқиба-тида йўқолган мол-мулк қайтарилиши белгиланганми?

Р.ШОИСМОИЛОВ,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани

— Маълумки, жиноят процессуал кодексининг 287-моддасида йўқолган мол-мулкни қайтариш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этилиши натижа-сида жабрланувчи ёки юридик шахснинг йўқол-ган ва ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкни эгасига қайтари-лиши лозим. Жабрлан-увчи вафот этган тақ-дирда унинг мол-мулк-меросхўрларига, туга-тилган юридик шахснинг мол-мулкни эса, унинг

ҳуқуқий ворисига ўткази-лади. Эгасини аниқлаб бўлмаган мол-мулк дав-лат эгалигига ўтказила-ди. Мол-мулкни қайтариб бериш ёки уни давлат эгалигига ўтказиш суд-нинг қонуний қўлига кирган ҳукми ёки тиббий йў-синдаги мажбурлов чо-раларини қўллаш тўғри-сидаги қўриқмага асо-сан, иш тугатилганда эса, суриштирувчининг, тер-мосхўрларига, туга-тилган юридик шахснинг мол-мулкни эса, унинг

— Фуқароларнинг муурожаатларига масъу-лиятсизлик билан ёндашган мансабдор шах-сларга нисбатан қандай жавобгарлик бел-гиланган?

Отабек ОРЗИБОВЕВ,
Тошкент шаҳри,
Мирзо Улугбек тумани

— Сизнинг бу саволин-гизга жавобан шуни ай-тиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан, жисмоний ва юри-дик шахсларнинг муурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муд-датларини узрли сабаб-ларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг му-урожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жис-моний ва юридик шах-сларнинг бузилган ҳуқуқла-ри тикланишини, муурожа-ат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминла-маганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир баравари-дан уч бараваригача миқ-дорда жарима жазоси қўлланилиши назарда ту-тилган.


— Айтинг-чи, қонунда аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларга ахлат ташлаган шах-сларга нисбатан жавобгарлик белгиланганми?

Д.ИСАХАНОВ,
Тошкент вилояти, Бўка тумани

— Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодекс-нинг 161-моддасига асо-сан, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳу-дудларини ободонлашти-риш қоидаларини бузиш, шунингдек, тозалик ва са-нитария тартибини таъ-

минлаш қоидаларига риоя қилмаслик — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки-дан бир қисмидан бир ба-раваригача, мансабдор шахсларга эса — бир ба-раваридан икки баравари-гача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Саволларга Олий суд судьяси
Давлатмирза КОМИЛОВ жавоб берди.

Уруш ва меҳнат fronti
фахрийлари ҳамisha эъзозда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказ-ларида ташкил этилган Хотира майдонларидаги хотира китобларида уруш йилларида ҳалок бўлган ва бедарак кет-ганларнинг номлари за-рҳал ҳарфлар билан би-тилган. Бу уларнинг мар-ддиги ва жасорати эъти-рофи бўлиб, биз, авлодларни ушбу уруш фожиясидан сабоқ чиқаришга давлат эгалиги, айти пайтда мамлакатимизда инсон хотираси абадий, кадр-қиммати муқаддас эканини тас-диқлайди.

Бугунги дорилмон кунларда биз билан бир-га умргузаронлик қила-ётган фахрийларимиз доимий давлатимиз эътиборида бўлиб кел-моқда. Фахрийларга ҳар-томонлама юксак ҳур-мат ва ғамхўрлик кўрсати-либ, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувват-ланмоқда.

Хусусан, уруш ишти-роқчилари ва фронт орти фахрийларига пенсия ва нафақаларидан ташқари бошқа ижтимоий ёрдамлар ҳам кўрсати-лмоқда. Бу уларга бе-пул тиббий ёрдам кўрсати-ш, санаторий-кур-ортларда даволаниш, протез-ортопедия мос-ламалари, ногиронлик аравачалари ва бошқа зарур воситалар, жамо-ат транспортида бепул юришини таъминлашда ўз ифодасини топомқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги

уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва 2015 йилнинг мамлакатимиз-да Кексаларни эъзозла-ш йили, деб эълон қилинган уруш ва меҳ-нат фахрийларини эъзозлаш, уларни мод-дий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уруш йилла-рида улар кўрсатган жанговар ҳамда меҳнат жасорати муносиб баҳо-ланаётганининг яна бир амалий намунасидир.

Давлатимиз раҳбари-нинг 2015 йил 18 фев-ралдаги қарори билан тасдиқланган "Кексалар-ни эъзозлаш йили" Дав-лат дастури кексалар-нинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхши-лаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувват-лаш кўламини кенгайти-риш, ёши улуг инсонлар, айниқса, 1941-1945 йил-лардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъ-миноти ва тиббий хиз-мат кўрсатишни тако-миллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп аср-лик қадрият ва аънава-лари руҳида тарбия-лашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Кекса-ларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган ва фашизм устидан қозо-ниган Ғалабанинг 70 йиллиги байрам қили-надиган жорий йилда Хотира ва қадрлаш кун

алоҳида мазмун-моҳият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини "Иккинчи жаҳон уруши-да Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги фар-мони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қила-ётир.

Баҳорнинг бугунги илиқ кунларида мамла-катимизнинг барча жой-ларида Хотира ва қадр-лаш кунини кенг нишон-лашга катта тайёргарлик кўриломоқда. Шу кун



жамғармалари, бошқа ташкилот ва муассасалар, маҳаллалар, корхоналар, ўқув муассасалари, истироҳат боғлари ва музейларда уруш ҳамда меҳнат фахрийла-ри иштирокида байрам тадбирлари ўтказилади. Фахрийларимиз учун та-рихий шаҳарларга саё-ҳатлар ва ёшлар билан учрашувлар ташкил эти-лади.

— Бу йил 88 ёшга тўлган бўлсам-да, 14 ёшимданок Ғалаба учун меҳнат қилишни бошла-ганимни яхши эсламан, — дейди меҳнат fronti фахрийси Ев-гения Дмитренко. — Уруш йилларида ҳарбий

самолётлар учун электр чироқлари ишлаб чиқарадиган ҳарбий заводда монтажчи бўлиб ишладим. Уруш миллионлаб одамларни ҳаётдан бе-вақт жудо қилди, яна миллионлаб кишилар бо-шига битмас азоб-уқубатлар солди. Яратганга шукрки, бугун мамлакатимиз — жонажон Ўзбекистонимизда тинч ва осуда ҳаёт ҳукм сур-моқда, кўп миллатли Ўзбекистон халқи аҳил ва иноқ яшамоқда. Энг муҳими шу. Айниқса, мустақил Ватанимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сийсий ўзгаришларда иштирок этаётганимиздан биз, фахрийлар жуда ҳам хурсандмиз. Фахрийларнинг фашизм усти-дан қозонилган Ғалаба-нинг 70 йиллиги эсда-лик юбилей медали ва пул мукофотлари билан

тажрибаси ва ўқитиш услубига таянган ҳолда фаолият юритади. Аммо дунёда шундай мактаблар ҳам борки, улар таълим бериш тажриба-си ва иш услуби билан бошқа мактаблардан туб-дан фарқ қилади. Маса-лан, АҚШнинг Нью-Мек-сико штатидаги Альбу-керка шаҳрида жойлаш-ган мактабда ўқиш ҳуқу-қини фақат лотерея ўйи-нида иштирок этиш орқали қўлга киритиш мум-кин. Бунинг учун мактаб-нинг расмий сайтига мах-сус ариза шаклини тўлдириб жўнатиш талаб этилади. Мазкур лотерея ўйини ҳар йил бир мар-та ўтказилади ва унинг натижасига кўра, ўқувчи-лар ушбу билим маскани-га ўқишга қабул қилина-ди.

Мактаб дастури энг илғор тиббий эъланиш-ларига асосланган бўлиб, унга кўра, ўқиш пайти-даги ижодий муҳит ҳамда ўқувчининг билим олиш жараёнида фаол иштирок этиши таълим самара-дорлигини таъминлаш-нинг гарови бўлиб хиз-мат қилади. Шунингдек, таълим масканида одатдаги фан-лар билан бир қаторда болаларда табиатга нис-батан муҳаббат уйғотиш ва кундалик юмушларни бажара олиш қобилияти-ни ривожлантиришга қаратилган машғулотлар ҳам ўтказилади. Жумла-дан, бошланғич синф ўқувчиларига тикиш-би-чиш, пазандалик, боғбон-лик сирларни ўргатилади. Дунёдаги энг катта мактаблардан бири Ҳин-дистоннинг Лакнау шаҳ-рида жойлашган "Жаг-диш Ганди" мактаби ҳисобланади. Айтиш керакки, ушбу билим мас-кани бундан 40 йил му-қаддам ташкил этилган. Аввалига ушбу мактаб ик-кита хона ва беш нафар ўқувчидан иборат бўлган. Бироқ у вақт ўтиб, 25 минг нафар бола таълим оладиган энг нуфузли мактабга айланди.

Айтиш керакки, ушбу мактаб йигирмата бўли-дан иборат бўлиб, улар-нинг ҳар бири кўчалар, хиёбонлар ва фаввора-ларни ўз ичига олган мит-тигина шаҳарни ташкил этади. Ҳар бир бўлимда ўртача 1250 нафар ўқувчи таҳсил олади. Гарчи Лак-нау шаҳрида юзлаб мак-

таб фаолият юрита-ди, лекин шаҳар аҳолиси орасида айнан ушбу мак-таб энг юқори нуфузга эга. Негаки, юқори мала-кали ўқитувчилардан иборат мактаб жамоаси таълим тизимига ноан-ванавий ёндашув ва замо-навий билим бериш билан обрў қозонган.

Шунингдек, ушбу мак-табнинг ўзига хос жиҳат-ларидан яна бири — унда ўқувчиларга нафақат за-монавий билим, балки одоб-ахлоқ ва миллий бағрикенглик гоғларини сингдиришга ҳам алоҳи-да эътибор қаратилади.

АҚШнинг Виржиния штатидаги Рестон шаҳ-ридаги Террасет макта-би ҳам ўзига хос билим масканидир. Биринчи саналади. Гап шундаки, мак-таб том маънода ер ости-да жойлашган бўлиб, у 1970 йилларда, яъни АҚШ электр-энергияси инқирозига тўқнаш кел-ган вақтда барпо этилган.

Ушбу мактабнинг маъму-рияти мактаб-ларни иситиш учун кета-диган энергияни тежаш-нинг антика йўлини ўйлаб топди. Яъни адирлик текисланиб, унинг ўрнига мактаб барпо этилади ва бино тупроқ билан қўмиб ташланади. Натижада мактаб қиш фаслида ҳам табиий усул билан исити-лади ва сарфланадиган энергия хажми ҳам кес-кин камаяди.

Бугунги кунда мазкур мактаб АҚШдаги энг кам энергия истеъмол қилув-чи билим маскани бўли-ши билан бирга, шаҳар-нинг асосий сайёҳлик мар-кази ҳам ҳисобланади. Дания пойтахти Копен-гаген шаҳрида жойлаш-ган "Орестад" гимназия-си замонавий меъмор-чилик санъатининг энг ёрқин намуналаридан би-ридир. Мазкур гимназия Данияда таълим соҳа-сини ислоҳ қилиш дастури доирасида очилган илк билим маскани ҳисобла-нади.

"Орестад" — юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳим-мат олишни хоҳловчи ёшлар таҳсил олади. Қизғини шундаки, гимна-зияда синфлар бир-би-ридан ажралмаган бўлиб, машғулотлар ягона улкан бино ичида ўтказилади. Бино ичига интернет ўтказилган бўлиб, ўқувчи-лар ҳам реал, ҳам вирту-ал оламда кечайтган жа-раёнлар билан доимо та-нишиб бориш имкония-тига эга.

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Garoyib olam

Инсоният азал-азалдан билим олишга ва шу орқали тараққиётга эришишга интилиб келган. Ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ мактаблар пайдо бўлган.

Биз билган ва билмаган дунё
ФАРОЙИБ БИЛИМ
МАСКАНЛАРИ

Айтиш жоизки, илк мактаблар қадимги Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. Европада эса, тахминан милотдан аввалги VI асрда Юнионистонда, милотдан аввал-ги IV асрда эса Римда пайдо бўлган.

Одатда, таълим мас-канлари ҳам бир-бири-нинг тажрибаси ва ўқитиш услубига таянган ҳолда фаолият юритади. Аммо дунёда шундай мактаблар ҳам борки, улар таълим бериш тажриба-си ва иш услуби билан бошқа мактаблардан туб-дан фарқ қилади. Маса-лан, АҚШнинг Нью-Мек-сико штатидаги Альбу-керка шаҳрида жойлаш-ган мактабда ўқиш ҳуқу-қини фақат лотерея ўйи-нида иштирок этиш орқали қўлга киритиш мум-кин. Бунинг учун мактаб-нинг расмий сайтига мах-сус ариза шаклини тўлдириб жўнатиш талаб этилади. Мазкур лотерея ўйини ҳар йил бир мар-та ўтказилади ва унинг натижасига кўра, ўқувчи-лар ушбу билим маскани-га ўқишга қабул қилина-ди.

Мактаб дастури энг илғор тиббий эъланиш-ларига асосланган бўлиб, унга кўра, ўқиш пайти-даги ижодий муҳит ҳамда ўқувчининг билим олиш жараёнида фаол иштирок этиши таълим самара-дорлигини таъминлаш-нинг гарови бўлиб хиз-мат қилади. Шунингдек, таълим масканида одатдаги фан-лар билан бир қаторда болаларда табиатга нис-батан муҳаббат уйғотиш ва кундалик юмушларни бажара олиш қобилияти-ни ривожлантиришга қаратилган машғулотлар ҳам ўтказилади. Жумла-дан, бошланғич синф ўқувчиларига тикиш-би-чиш, пазандалик, боғбон-лик сирларни ўргатилади. Дунёдаги энг катта мактаблардан бири Ҳин-дистоннинг Лакнау шаҳ-рида жойлашган "Жаг-диш Ганди" мактаби ҳисобланади. Айтиш керакки, ушбу билим мас-кани бундан 40 йил му-қаддам ташкил этилган. Аввалига ушбу мактаб ик-кита хона ва беш нафар ўқувчидан иборат бўлган. Бироқ у вақт ўтиб, 25 минг нафар бола таълим оладиган энг нуфузли мактабга айланди.

Айтиш керакки, ушбу мактаб йигирмата бўли-дан иборат бўлиб, улар-нинг ҳар бири кўчалар, хиёбонлар ва фаввора-ларни ўз ичига олган мит-тигина шаҳарни ташкил этади. Ҳар бир бўлимда ўртача 1250 нафар ўқувчи таҳсил олади. Гарчи Лак-нау шаҳрида юзлаб мак-

таб фаолият юрита-ди, лекин шаҳар аҳолиси орасида айнан ушбу мак-таб энг юқори нуфузга эга. Негаки, юқори мала-кали ўқитувчилардан иборат мактаб жамоаси таълим тизимига ноан-ванавий ёндашув ва замо-навий билим бериш билан обрў қозонган.

Шунингдек, ушбу мак-табнинг ўзига хос жиҳат-ларидан яна бири — унда ўқувчиларга нафақат за-монавий билим, балки одоб-ахлоқ ва миллий бағрикенглик гоғларини сингдиришга ҳам алоҳи-да эътибор қаратилади.

АҚШнинг Виржиния штатидаги Рестон шаҳ-ридаги Террасет макта-би ҳам ўзига хос билим масканидир. Биринчи саналади. Гап шундаки, мак-таб том маънода ер ости-да жойлашган бўлиб, у 1970 йилларда, яъни АҚШ электр-энергияси инқирозига тўқнаш кел-ган вақтда барпо этилган.

Ушбу мактабнинг маъму-рияти мактаб-ларни иситиш учун кета-диган энергияни тежаш-нинг антика йўлини ўйлаб топди. Яъни адирлик текисланиб, унинг ўрнига мактаб барпо этилади ва бино тупроқ билан қўмиб ташланади. Натижада мактаб қиш фаслида ҳам табиий усул билан исити-лади ва сарфланадиган энергия хажми ҳам кес-кин камаяди.

Бугунги кунда мазкур мактаб АҚШдаги энг кам энергия истеъмол қилув-чи билим маскани бўли-ши билан бирга, шаҳар-нинг асосий сайёҳлик мар-кази ҳам ҳисобланади.

Дания пойтахти Копен-гаген шаҳрида жойлаш-ган "Орестад" гимназия-си замонавий меъмор-чилик санъатининг энг ёрқин намуналаридан би-ридир. Мазкур гимназия Данияда таълим соҳа-сини ислоҳ қилиш дастури доирасида очилган илк билим маскани ҳисобла-нади.

"Орестад" — юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, унда оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳим-мат олишни хоҳловчи ёшлар таҳсил олади. Қизғини шундаки, гимна-зияда синфлар бир-би-ридан ажралмаган бўлиб, машғулотлар ягона улкан бино ичида ўтказилади. Бино ичига интернет ўтказилган бўлиб, ўқувчи-лар ҳам реал, ҳам вирту-ал оламда кечайтган жа-раёнлар билан доимо та-нишиб бориш имкония-тига эга.

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Jinoyat va jazo

Ноҳолис ният
жавобгарликка сабаб бўлди

Бу ҳаётда ишонч, меҳр-оқибат сингари юксак фазилатлар одамлар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаб қолмай, кишини хайрли ва эзгу ишларга ҳам ундайди. Шу босдан ҳам инсон умрига ўзгача фазил ва тароват бахш этувчи бундай фазилатларни бағрикенг ва саховатли халқимиз азал-азалдан улуғлаб келган. Афсуски, ҳаётда баъзан нопок йўллар билан мўмай даромад орттириш, ўзгаларнинг мулкани турли йўллар билан бўлса-да, қўлга киритишни кўзлайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

Мисол учун айтадиган бўлсак, О.Хўжамбердиев қасддан фирибарлик йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақса-дида Тошкент вилояти Бўка туманидаги "Бахмал" фермерлар уюшмаси Зафаробод маҳалла-сида яшовчи У.Сайназаровнинг ишончига киради. Аниқроқ ай-тганда, фирибарликнинг ҳади-сини олган бу кимса У.Сайна-заровага Оҳангарон шаҳридаги кўп қаватли уйлардаги бўш тур-

ган хонадонлардан бирини со-тиб олишда ёрдам беришини айтади. Соддадил аёлни лақил-лата олганига ишонч ҳосил қил-ган О.Хўжамбердиев ҳужжатлар-ни расмийлаштириш учун, деган алдов билан унинг 800 минг сўм миқдоридagi пулини қўлга ки-ритади. Бироқ у узоқ вақт мо-байнида турли вахларни рўқач қилиб, У.Сайназаровани алдаш-дан нарига ўтмайди. Шу ўринда жабрланувчи

У.Сайназаровнинг хатти-ҳара-катини ҳам оқлаб бўлмаслигини таъкидлаш жоиз. Ваҳоланки, у фирибарнинг алдовига учмай, қонуний йўл тутганида, бундай ахволга тушиб қолмаган бўлар-ди. Албатта, суд томонидан фи-рибарлик жиноятини содир эт-ган О.Хўжамбердиевнинг қилми-шига яраша қонуний жазо тай-инланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўзгаларни алдаш эва-зига қўлга киритилган мўмай да-ромад охир-оқибат жинойи жа-вобгарликни келтириб чиқара-ди. Шундай экан, ҳалоллик, рос-тгўйлик умримизга мазмун, ҳаётимизга ҳаловат бағишлаши-ни ҳеч қачон унутмайлик

Акмал ПИРНАЗАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Оҳангарон тумани судининг
судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий судиБош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Кўчкор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЕДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод
ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллиги: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Нашр индекси: Яқна тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575.

Буюртма: Г-322. Қозғоқ бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 9488.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰